

# TOShKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Вилоят ҳокимлигида

## ЁШЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



Кеча вилоят ҳокимлигида Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тўздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан дастлабки ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Видеоконференцалоқа орқали ташкил этилган йиғилиши Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев бошқарди. Унда вилоят ҳокими уринбосарлари, барча маҳаллий сектор раҳбарлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари қатнашиди.

Мулоқот аввалида Зойир Мирзаев ёшлар билан ишлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, йўл қўйилаётган камчиликлар таҳлилига эътибор қаратди.

Қайд этилишича, вилоятдаги 1 минг 20 та маҳаллада ёшлар етакчиларини саралаб олишда ҳамкор ташкилотлар билан танлов асосида суҳбатлар ўтказилган ҳамда муносиб номзодлар ишга қабул қилинган.

Шунингдек, жойлардаги етакчилар учун вилоят бюджети маблағлари ҳисобидан «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформасига уланган ҳамда ма-софадан туриб ҳисоботлар тақдим этиши, видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи планшет, компьютер ҳамда хизматда фойдаланиш учун велосипедлар етарли миқдорда ажратилган.

«Ёшлар дафтари» жамғармасида 24 млрд. 378 млн. сўм маблағ шакллантирилиб, 3 минг 159 нафар ёшга 9 млрд. 701 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилган. Хусусан, 1 минг 453 нафар ёшга тўлов-контракт, 2

нафар ёшга соғлигини тиклаш учун (хорижда операция), 612 нафар ёшга сафарбарлик чақирув резерви хизмати учун, 307 нафарга субсидия, 148 нафарга ҳайдовчилик гувоҳномаси учун маблағ ажратилган ҳамда 567 нафарга турли молиявий ёрдамлар кўрсатилган.

Вилоят раҳбари фаол етакчи ёшларни тизимли рағбатлантириш бўйича мутлақо янгича ёндашувлар жорий этиш таклифини илгари сурди. Уларга пул мукофотлари, тарихий шаҳарларга саёҳат, ота-оналарига ташаккурнома билдириш каби моддий ва маънавий рағбатлар кўрсатиш тизими кучайтирилади.

Шу билан бирга, вилоят раҳбари маҳаллаларда китобхоналикни рағбатлантириш мақсадида хонадон-кутубхоналар очиб, ёшларни мусиқа асбоблари чалишга ўргатиш, уларда маҳалла ва қишлоқлари тарихини ўрганишга қизиқишни шакллантириш, ижодкор ёшларнинг ижодий баёзларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш каби қатор таклифларни билдириб, ишчи гуруҳ олдига вазифа қилиб қўйди.

Мулоқотда сектор раҳбарлари, тегишли масъуллар, шунингдек, жойларда фаол иш олиб бораётган етакчи ёшлар сўз олиб, ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим ва устувор йўналишларини бекаму кўст амалга ошириш борасида бор куч ва имкониятларини сафарбар этакчиларини билдиришди, шунингдек, бу борада зарур таклиф ва тавсияларини баён қилишди.

Нозимжон ИСМОИЛОВ  
олган сурат



Эртага – Кимёгарлар куни

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий юксалишида кимё саноатининг ўрни беқиёс. Ҳар қандай ишлаб чиқариш негизида кимёвий жараёнлар кечини инобатга олсак, мазкур соҳасиз иқтисодиётда тараққиёт бўлмаслигини англаб олиш қийин эмас. Дунё ҳам-жамиятида мамлакатимиз салоҳиятини намоиш этаётган йирик корхоналардан бир «Махам-Чирчиқ» АЖ эришаётган ютуқлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

## БАРҚАРОРЛИК, МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИ ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТ

бундан кейин ҳам «Махам-Чирчиқ» корхонаси фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолади

Юртимизда ҳар йили май ойининг сўнги яқшанбасида нишонланадиган кимё саноати ходимларининг касб байрамлари арафасида биз бу гапларни баралла айта оламиз. Мазкур байрамни меҳнатда янги-янги ютуқлар билан қарши олар эканмиз, фурсатдан фойдаланиб, корхонамиз тарихига яна бир кар-

ра назар ташлашни мақсадга мувофиқ, деб билдик. 1932 йилда Чирчиқ дарёсига икки поғонали электростанция ва минерал ўғитлар – аммиакли

селитра ишлаб чиқарувчи завод куриш режаси тасдиқланади. Мазкур лойиҳа Чирчиқ шаҳрининг барпо этилиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаган.

2

Қишлоқ мулкдорлари

## ЎСИМЛИКДАН ШАКАР, ЯПРОҒИДАН МАЛҲАМ ОЛИНАДИ



Янгиликларга интилувчан фермер Мирзабек Йўлдошбоев «стевия» ўсимлигини экиб кўрди. Бу ўсимликдан табиий шакар олинади. Япроғидан тайёрланган чой эса қандли диабет хасталигига даво бўлади.



ВИЛОЯТ  
БЎЙЛАБ

АНГРЕН шаҳар ҳокими Алишер Райимов «Great wall ceramic industries» МЧЖ қўшма корхонаси ҳамда Ангрэн кичик саноат зонаси масъуллари билан учрашди.

Учрашувда кичик саноат зонасида 0,18 Га. ер майдонида «фарфор электротехник изоляторлар» ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Elektrik group» МЧЖда яратилган шарт-шароитлар ва тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммолар хусусида суҳбатлашилди. Шунингдек, янги лойиҳалар имзоланди.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ туманининг Беруний номли маҳалласида кенг қўламли тозалик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Куча ва майдонларга гул кўчатлари экилиб, чим ётқизилди. Ички кўчалар асфальтланиб, симсутунларга замонавий тунги ёриткичлар ўрнатилди.

БЕКОбод тумани «Маданият маркази»да маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига сиёсий саводхонлик, нутқ маданияти бўйича ўтказилган семинар-тренинглар интерактив уйинлар шаклида олиб борилди. Уқув семинарда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти вакиллари иштирок этиб, етакчилар томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришди.

ТОШКЕНТ туманида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кубоги учун футбол ва мини футбол мусобақаларининг финал босқичи ўтказилди. Яқунда «Қизгалдоқ» маҳалласи ёшлари «Сарке» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, ДХХ кубогини қўлга киритдилар.

## Кучли фуқаролик жамияти сари



## ЭЛ ИШОНЧИ – КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Аввал хабар берганимиздек, вилоятимиз маҳаллаларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловлари давом этмоқда.

Маҳалланинг халқ ва давлат ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга экани, ушбу сайловлар эртанги кун, обод ва фаровон турмушга бевосита дахлдорлигини яхши англаган парентликлар жараёнда фаоллик кўрсатишмоқда. Туман бўйича 62 нафар йиғин раисини сайлаш кўзда тутилган бўлиб, айти пайтгача 52 маҳаллада сайловлар бўлиб ўтди.

Жумладан, тумандаги «Қуруқсой» маҳалла фуқаролар йиғинида 174 вакил икки номзоддан муносибига овоз берди. Янги раис ишончимизни оқлашига ишонамиз, – дейди сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари Миршухрат

Мирғаниев. – Маҳалладошларимизнинг фаоллиги тадбирни янада жонли ва адолатли ўтишини таъминлади. Бу, албатта, сайловолди ўтказилган учрашувлар, суҳбатлар самарасидир.

Фуқароларнинг муҳим ижтимоий жараёнларда иштироки ва фаоллиги ортиб бораётганини Зангиота туманида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, «Гулзор», «Наврўз», «Чорбоғ», «Гулбоғ», «Алоқа» маҳаллаларида бўлиб ўтган сайловларда аҳоли анча фаол қатнашди.

– Маҳалла раиси зиммасига катта масъулият юкланади, – дейди Зангиота тумани кўмаклашувчи комиссия раиси

Тўлқин Холиқов. – Шу сабабли, бу лавозимга маҳалла тинчлиги, аҳоли хотиржамлиги учун қайғурадиган, ташаббускор, тадбирли раис танланиши керак.


«Боғзор» маҳалласи аҳли номидан келган вакиллар уч номзоддан бирини танлаш учун ёпиқ шаклда овоз беришди. Саноқ комиссияси тақдим этган натижага кўра, 128 овоз олган Фахриддин Тўлаганов раис этиб сайланди.

– Раислик мансаб эмас, аввало, масъулият, – дейди маҳалла фаоли Нигмон Расулов. – Маҳалладошларимиз билан аҳоли бандлиги ҳамда ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, маҳаллани

янада ободонлаштириш каби вазифаларни ўз дастурида илгари сурган номзодга ишонч билдирдик.

Бугунги кунгача вилоятимиз бўйича сайловларда одамлар ишонч билдирган 728 нафардан зиёд маҳалла раислари 3 йил муддатга ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Ишонамизки, улар янги жорий этилган хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси билан биргаликда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни манзилли ҳимоя қилиш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш каби кўплаб масалаларни ҳал этишда белни маҳкам боғлайдилар.

Нозима РАСУЛОВА  
Тошкент ҳақиқати/



Марказий Осиёда азот ўғитларини ишлаб чиқариш бўйича илк ва ягона sanoat иншооти ҳисобланган завод 1940 йилга келиб ишга туширилади ва Ўзбекистондаги илгор корхоналардан бирига айланади. 1941 йилда комбинатнинг иккинчи навбатини – аммиак олишнинг конверсион линиясини куриш ишлари бошланиб, 1942 йилда кучли нитрат кислота, 1949 йилда никель – хром катализаторини ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилган. 1958 йилда конверсион усул билан аммиак олиш технологиясига муҳим ўзгаришлар киритилди. 1961 йилда аммиак ишлаб чиқариш ишлари Бухоро

ларининг реконструкция ва модернизация қилиниши шулар жумласига киради. Амалга оширилган ишлардан қўзланган мақсад корхона қувватини ошириш, маҳсулотлар таннархини тушириш ва энергия ресурсларини тежашдан иборат.

Бундай амалий ишлар ўз натижасини бериб келмоқда. Масалан, “2021 йил бизнес-режаси” да белгиланган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 125 фоизга бажарилди, йилни 362 млрд. сўм соф фойда билан якунланди.

“Махам-Чирчиқ” АЖ фаолиятининг асосини комплекс ёндашув – стратегия ва

ларини тўлиқ қоплаши ва импортнинг ўрнини босиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги «Кимё sanoati ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, корхонамизнинг тайёр маҳсулотлари «Ўзимёймёкс» МЧЖ орқали сотилади. Бугунги кунда маҳсулотларимиз дунёнинг 10 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Охириги йиллар мобайнида инвестиция дастурига мувофиқ корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ошириб, унинг таннархини пасайтириш, энергия ресурслари сарфини камайтириш, экологик вазиятни янада яхшилаш ҳамда корхона фаолиятини барқарорлаштиришга йўналтирилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

«Махам-Чирчиқ» АЖнинг фан билан ўзаро ҳамкорлиги корхонани ривожлантиришнинг асосий бўғини ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизнинг етакчи институтлари, корхоналари ва илмий-тадқиқот муассасалари: Тошкент кимё-технология

нинг фидокорона меҳнати ва давлатимиз томонидан белгиланган иқтисодий ривожланиш дастурларининг юртимизда изчил амалга оширилаётгани эъзизга корхонамизнинг барқарор фаолият кўрсатишига, олдимизга қўйилган иқтисодий режаларни бажаришга эришмоқдамиз.

Корхонамизда меҳнаткашларга гамхўрлик кўрсатиш, уларнинг соғлиги ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кимёгарларимиз учун ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиш, корхонамиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай эъзоз ва эътибор корхонамиз меҳнаткашларининг ишлаб чиқариш соҳасида илгор, етук бўлишларига замин яратмоқда.

“Махам-Чирчиқ” АЖнинг халқаро миқёсда обрў-эътибори ва нуфузи йил-

нинг 4-халқаро кўргазмасида фаол иштироки ва кўлаб-қувватлагани учун TURKCHEM ва 2011 йилда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган “Food week Kazakhstan-2011” кўргазмасида фаол иштироки учун ташкилотларнинг нуфузли мукофотини кўлга киритишга муваффақ бўлди. Буларнинг барчаси аҳил жамоамизнинг камтарона меҳнатига берилган муносиб баҳо, деб айтиш мумкин.

Корхонада мўътадил экологик вазиятни сақлаб туриш мақсадида ҳар йили атмосфера ва сув иншоотида ифлослантириш моддаларини чиқаришни камайтириш, қаттиқ чиқиндиларни жойлаштириш бўйича мавжуд режалар ўз вақтида бажарилмоқда.



**Корхона Мехикодаги Халқаро саралаш қўмитаси томонидан “Аъло даражадаги сифат учун Олтин кўёш” мукофоти билан тақдирланган.**

дан-йилга ортиб бораётгани ҳам эътироф этиб ўтиш лозим. Жумладан, корхонамиз Директорлар кенгаши, Мехикодаги Америка ва Европа мамлакатлари маркетинг миллий институтини Халқаро қўмитаси “Маҳсулот сифати учун Халқаро биллур юлдуз” билан, “Жаҳон бозори” журнали агентлиги

Техник сув аммиаки, суяқ техник аммиак, концентрациялашган азот кислотаси, «КАС» суяқ азот ўғити, универсал тўйинтириш эритмаларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари учун экологик сертификатлар олинди. Шаҳар атроф-муҳитининг ифлосланишини назорат қилиш бўлими томонидан



табиий газига тўлиқ ўтказилди. 1980 йилда бирлашмада капролактама ишлаб чиқариш бўйича қувват ишга туширилди. 1984 йилдан бошлаб катта аммиак цехи фаолият кўрсата бошлади.

Корхонанинг кейинги ривожланиши экологик муаммоларга, маънавий ва жисмоний эскирган цехларни алмаштиришга қаратилди. 1988 йилда АС-72М аммиакли селитра янги йирик тоннажли агрегати фойдаланишга топширилди. 1993 йилда яна бир янги блок ишга туширилди.

Корхонамиз 2002 йилда “Электрокимёсаноат” ИЧБ очик акциядорлик жамиятига, 2007 йилда эса «Махам-Чирчиқ» ОАЖ га ўзгартирилди. 2009 йилда унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 420 минг тоннага етди. 2010 йилда паст зичликдаги аммоний нитрат ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қурилманинг қурилиш ишлари бошланди. Ушбу объект қурилишига «Махам Corp International S. A. U.» (Испания) компаниясининг инвестициялари ажратилди. Ҳозирги кунда корхонада автоматлаштирилган бошқариш тизими жорий этилган.

Таъкидлаганимиздек, бугунга келиб, акциядорлик жамияти юртимиздаги минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар етказиб берувчи энг йирик sanoat корхоналаридан бирига айланган. Утган давр мобайнида истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарилаётган ва етказиб берилаётган юқори сифатли маҳсулотга бўлган талаби сезиларли даражада ошди. Сабаби, маҳсулотнинг юқори сифатлилиги жиҳатидан маҳаллий ҳамда хорижий шериклар ва истеъмолчилар орасида ҳурмат қозонди.

Ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги, маҳсулотнинг юқори сифати ва истеъмолчилар

бизнес-режани шакллантиришдан тортиб то якуний натижа – юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган фаолият турининг тўлиқ циклини бажариш ташкил этади. Келиб тушадиган хом ашё ва материалларнинг кириш назорати ҳамда маҳсулот сифатини синовдан ўтказиш, шунингдек, ўлчашни амалга ошириш имконини берувчи ўз лабораториямиз мавжуд бўлиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Менежмент тизимини сертификатлаш ҳам корхона учун энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Биринчидан, заводда ижро интизими яхшиланди. Бу билан нохуш ҳолатлар ва бузилишлар юзага келишининг олди олинди. Иккинчидан, корхонадаги мураккаб участкалар ишини назорат қилиш ва ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида юзага кела-

# БАРҚАРОРЛИК, МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИ ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТ

**бундан кейин ҳам «Махам-Чирчиқ» корхонаси фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолади**



**Хотам САЙДАҲМЕДОВ, “Махам-Чирчиқ” АЖ бошқарув раиси**

институтини, ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институтини, Умумий ва ноорганик кимё институтини, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, “Ўзбекистон” Ешлар инновация маркази, “AnGuzal Agroservis” МЧЖ билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Масалан, маҳсулотнинг янги турларини

таҳририяти ва савдо фирмалари клубининг Мадриддаги етакчилари сифат ва фирма имиджини унинг “Европа аркаси олтин юлдузи” билан, “Нуфузли тижорат фаолияти учун 25-Халқаро мукофот” билан, Римда “Технология ва сифат учун 16-Халқаро мукофот” билан тақдирланган бўлса, Мехикода миллий савдо институтини “Нуфузли тижорат фа-

ўтказилган мониторинг натижалари жорий йилнинг 20 май ҳолатига кўра атроф-муҳитини ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган меъёридан ошмаганлигини кўрсатди.

2021 йил ноябрь ойдан 2022 йил апрель ойигача бўлган даврда “Яшил макон” умуммиллий Дастури асосида корхонада ва корхонага туташ ҳудудларда 18 мингдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ва 45 мингта гул кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда. Шу жумладан, корхонанинг “Аммоний сульфати ва сульфат кислотаси” ишлаб чиқариш ҳудудида уч гектарга яқин майдонда “Яшил боғ” ташкил этилиб, 4 минг дона манзарали дарахт кўчатлари экилди. “Кимёгарлар” хиебони майдониغا 1 минг 100 дона манзарали дарахт кўчатлари экилиб, бу майдонларда суғориш тизимини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Барча қўлайликларга эга бўлган замонавий “Маънавият ва маърифат маскани”ни барпо этиш учун махсус жой ажратилган. Унинг смета ишлари якунланиб, таъмирлаш ишлари бошлаб борилади. Бу маскан фойдаланишга топширилгач барча маънавий-маърифий тадбирларни марказлашган ҳолда ўтказиш имконияти яратилади.

Имкониятдан фойдаланиб, Кимёгарлар куни муносабати билан юртимиз кимё sanoatида фаолият юритаётган кўп минг кишилик ҳамкасбларимизни ҳамда жамоамиз аъзоларини касб байрамлари билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мамлакатимиз кимё sanoatини янада ривожлантиришдек эзу ишларга озми-кўйми ҳисса қўшиб келаётганимиздан фахрланамиз. Инновация, маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга янада эътиборни кучайтириш олдимизда турган кечиктириб бўлмас вазифалардан эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда улкан ишлотлар жараёнининг ҳаммиша олди сафларига собитқадам бўлишига бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар эта-

**Бугунги кунда акциядорлик жамияти юртимиздаги минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар етказиб берувчи энг йирик sanoat корхоналаридан бирига айланган.**

ишлаб чиқиш ва жорий этиш ўз саъй-ҳаракатларимиз ва олий таълим муассасалари ҳамда илмий ташкилотлар мутахассислари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

2018-2021 йилларда карбонат аммоний тузлари, аммиак селитраси ёпишқоқлига қарши реагент, магний нитрати, магний сульфати, сувда тўлиқ эрувчан NPK ўғитлари, модификацияланган говакли селитра, таркибда олтингургурт-магний микроэлементли карбамид ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда БИО-КАС органик минерал ўғитини амалиётга татбиқ этиш технологияси ўрганилмоқда.

Давлат харидларини амалга оширишда қўнунларга амал қилиш, шаффофликни таъминлаш ва коррупцион ҳолат (манфатлар тўқнашуви, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, лоббизм)ларнинг олдини олиш мақсадида 2020 йил 20 ноябрдаги “Комплаенс хизмати”, шунингдек, жорий йилда кадрлар тайёрлаш бўлими базасида янги “Малакани баҳолаш маркази” ташкил этилди. 2022 йил 1 мартдан бошлаб ишга қабул қилиш, 1 апрелдан бошлаб бошқа лавозимга ўтиш ва даража олиш жараёнлари бевосита тест саволлари ва суҳбат орқали очиклик ва шаффофлик тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Кимёгарларимиз-

олияти ва энг яхши савдо номи” эмблемасини кўлаб ҳуқуқини кўлга киритди. Копенгагенда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ва жаҳон иқтисодиётига қўшган ҳиссаси ва рақобатбардош маҳсулотини учун Шарқни ривожлантириш ташкилоти томонидан таъсис қилинган “Олтин глобус” жаҳон соврини соҳибига айланди. Етакчи бизнесменлар ва ишбилармонлардан ташкил топган Халқаро саралаш қўмитаси (Мехико) корхонамизни “Аъло даражадаги сифати учун Олтин кўёш” халқаро мукофоти билан тақдирлади. Шунингдек, жамоа 2010 йилда кимё маҳсулотлари-



**“2021 йил бизнес-режаси” да белгиланган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 125 фоизга бажарилди, йил 362 млрд. сўм соф фойда билан якунланди.**

олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши бу – корхонамизнинг иш услубини белгилаб берувчи асосий жараёнлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда корхонада жаҳон стандартларига мос келадиган, Ўзбекистонда ҳам, чет элда ҳам барқарор талабга эга бўлган сифатли маҳсулот тайёрлаш имконини берувчи замонавий технологиялар қўлланилмоқда.

Кейинги йилларда мавжуд техника ва технологияларни реконструкция ва модернизация қилиш ҳамда қўшимча инвестиция маблағларини жалб этган ҳолда янги ишлаб чиқариш жараёнини барпо этиш борасида бир қатор янгиликлар амалга оширилди. Карбамид ишлаб чиқаришнинг реконструкция қилиниши, АК-72 ва АК-72М азот кислотаси ишлаб чиқаришнинг техник қайта жиҳозланиши, минерал ўғитлар етказиб бериш барқарорлигини таъминлаш жараёни (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

диган таваккалчиликларни бошқариш кучайди. Шунингдек, минтақадаги экологик вазият ҳам яхшиланди. Учинчи қадам – бу корхонанинг рақобат жиҳатдан устунлиги. Инвестициявий жозибдорлик тендерларда иштирок этишида, ички бозорнинг кенгайиши ҳамда экспорт имкониятларининг ортишида кўзга ташланмоқда.

Корхона таркибда Ўзбекистон ҳудудидаги ягона катализатор ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсатмоқда. Асосий катализаторлардан ташқари, цехда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтини мутахассислари билан ҳамкорликда ишга туширилган тажриба катализаторлари чекланган партияларда ишлаб чиқилади. Бу йилдан бошлаб катализатор цехи ускуналари негизда ваннадийли катализаторларни етказиб беришни йўлга қўйдик. Унинг қуввати Ўзбекистон кимё sanoatининг эътиёж-

Оммовий сайёр қабуллар

# ОЛТИ КУНДА 4 минг 620 МУРОЖААТ

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг алоҳида тўпшириги асосида Тошкент вилоятда оммовий сайёр қабуллар ўтказди. Уларда 4 минг 250 нафар мурожаатчининг 4 минг 617 та масаласи кўриб чиқилди. Уларнинг 1 минг 438 таси жойида ҳал қилиниб, 1 минг 302 нафар мурожаатчиға ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, 1 минг 877 та мурожаатни ҳал қилиш бўйича аниқ мuddат ва масъуллар белгиланиб, Президент Администрацияси ва Халқ қабулхоналари томонидан назоратга олинди.



"Инсон қадр учун!" хизмат қилган сайёр қабуллар аҳоли муаммолари билан ишлашни самарали ташкил этиш, ҳудудларда ечимини кутаётган масалаларни "маҳаллабай" ўрганган ҳолда жойида, тезкор ҳал этиш имконини берди.

Хусусан, мулоқотларда Олий суд, Судьялар олий кенгаши, вилоят, туман-шаҳар судлари масъуллари кўриб чиққан 372

профилактикаси, жазодан муддатидан аввал озод этиш, фуқаролик, паспорт-виза, мол-мулкни олиб кўйиш ва қайтармаслик каби йўналишларда келиб тушган 297 та масаланинг 84 таси жойида ҳал қилинди.

Таълим, соғлиқни сақлаш, оила, хотин-қизлар, меҳнат ва бандлик каби йўналишлардаги ўнлаб мурожаатларга ҳам шу мулоқотлар майдони-



та масаланинг 129 таси ижобий ҳал қилинди. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жазодан озод қилиш бўйича қиритилган тақдирномалар асосида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган 114 нафар шахс муддатидан илгари шартли озод қилинди, 97 нафар шахсининг ўталамай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазоси энгилроғи билан алмаштирилди, 19 нафар шахс суд залидан озод этилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 50 нафар мурожаатчи аёл фойдасига алимент ундириш юзасидан суд бўйруғи чиқарилиб, ижрога қаратилди. Ажрашиш ёқасига келиб қолган 4 оила яраштирилди.

Бош прокуратура масъуллари кўриб чиққан 530 та масаланинг 54 тасига жойида ечим топилди.

Ички ишлар вазирлиги масъуллариға суриштирув ва тергов, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар

да ечим топилди. Жумладан, оҳангаронлик ўқитувчи Ҳикматхон Йўлдошевға Халқ таълими вазирлиги масъулларидан туманда жойлашган, ўзи ишлаган ва фарзанду неваралари ўқиган 17-мактабнинг эскирган биносини янгилаб беришда амалий ёрдам сўради. Масъуллар бу масалани жойига чиқиб ўрганиб, келгуси йилги дастурларга киритиш учун тақлиф ишлаб чиқадиган бўлди.

Мулоқотларда ногиронлиги бор, ижтимоий ҳимояға муҳтож Ҳасан-Ҳусан Маҳмедовлар сингари ўнлаб эҳтиёжманд инсонларға протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари топширилди.

Шунингдек, қабуллар давомида кўплаб нурунийларға бе-пул йўланмалар, даволаниш учун ордерлар тақдим этилди.

**Нигора УРОЛОВА**  
Тошкент ҳақиқати/

Қибрай туманида Мирзабек Йўлдошбоевни "кўп тармоқли" фермер сифатида яхши танишди. Сабаби, у бошқараётган "Садибек – Атакент" фермер хўжалиги йилдан-йилға "гуркирамоқда".

Хўжалиқда бўлганимизда ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўрдик: боғдаги турли меваларнинг ҳосили шигил. Дарахлар орасига экилган кулпнай барглр орасидан мўралайди. Сал нарироқдан жўжаларнинг "чип-чип"ю, кўйларнинг "маъраши" эшитилиб турибди. Каттагина ҳовузда сузиб юрган балиқларға кўзимиз тушди ва биринчи шу ҳақда сўрадик.

– Балиқларни танлашда уларнинг хусусиятларига алоҳида эътибор қаратганмиз, – дейди Мирзабек Йўлдошбоев. – Ҳовузда сазан, дўнпешона ва оқ амур балиқлари парваришланмоқда. Сабаби, улар бир-бири билан яхши чиқишади. Ҳозирда умумий ҳисобда 3 мингта чавақ ташланган. Ҳали анча майда, лекин сентябрга бориб балиқлар катта бўлгач, ҳовуз тўлиб кетади.

М. Йўлдошбоев ишни 2006 йилда 3 гектар ерни тендерда ютиб олиб, кулпнай етиштиришдан бошлаган. Уша вақтдаёқ ҳосилни Олмаота шаҳри-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ға экспорт қилган. 2010 йилға келиб, 40 гектар ерга эга бўлган хўжалик фаолиятиға янгилик қиритилди. Болтиқбўйи давлатидан хрен ўсимлиги томири олиб келиниб, тажриба сифатида 10 гектар майдонға экилди. Маҳсулот ички бо-

2015 йилға келиб, "Садибек – Атакент" кўп тармоқли хўжалик сифатида рўйхатдан ўтиб, 8 йўналишда фаолият юрита бошлади. Яъни, галлачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, балиқчилик, қайта ишлаш, қандолатчилик ва хизмат кўрсатиш йўналишла-

олиб келинапти. Айтишлариға, Мирзабек ака 14 фозил кредит эвазига берилётган кўйларни Тошкент вилояти ва шаҳри учун етказиб берувчи таъминотчи ҳам экан.

"Шунча ишға қандай улғурасиз?" деган саволимизға: – Бу ҳали ҳаммаси эмас,

Муҳознани ҳам кўриб олсак, хўжалигимизда етиштирилган маҳсулотларни сақлаш имконияти яратилди.

"Ҳарақатда – барака" дейишганидек, фермер хўжалигининг ютуқлари ҳам шунга яраша. "Ташаббус-2021" кўрик-тановида "Энг яхши фермер" йўналишида республикада 3-ўринни эгаллаган. Мирзабек Йўлдошбоев шу йили "Инфог фермер" кўрак нишони билан ҳам тақдирланди.

Сафаримиз кечгача давом этди. Гап орасида Мирзабек аканинг "Уймавут" маҳалласида ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият юритишнинг ҳам билиб олдик. Тиниб-тинчимас фермер бу лавозимда ҳам яхши натижаларға эришиб

## ЎСИМЛИКДАН ШАКАР, ЯПРОҒИДАН МАЛҲАМ ОЛИНАДИ

зор ва Қозоғистонға етказиб бериларди. Фаолиятиға янги агротехнологияларни жорий этиш ҳисобиға яхши натижаларға эришаётган фермерда хренни қайта ишлаш фикри туғилди. Бунинг учун Россия давлатидан техникалар келтирилиб, "ер қалампир" деб номланувчи хрен илдизидан хантал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2010-2011 йилларда хўжалиқда яна бир "ноу-хау"ға қўл урилди. Картошкани уруғидан эмас, кўчатидан кўпайтириб экиш синаб кўрилди. Бу тажриба учун картошканинг "голландия" навидан фойдаланилди. Мирзабек аканинг айтишича, кўчатдан етиштириш кўп вақт талаб этгани учун бу усул амалиётға жорий этилмади.

ри бирдек олиб берилмоқда.

Бугунги кунда фермер хўжалигининг 9 гектарлик боғида олма, ноқ, олча, гилос, ўрик ва олхўри дарахлари бор. Боғ орасиға эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экилган.

Хўжалиқдаги 40 та соғин сигирдан кунига 400 литр сўт олинапти. 10 кўти асалари ҳам хўжалиққа даромад келтириб турибди. Жорий йилдан паррандачилик ва кўйчилик ҳам йўлга қўйилди.

Биз борган кун фермернинг қозоғистонлик ҳамкорлари келиб қолиши. Сўхбатларидан англадикки, зотдор кўйлар Қозоғистон ва Қирғизистондан



– дейди кулиб Мирзабек ака. – Йўналишли такси хизматини ҳам йўлга қўйганмиз. Улар туну кун аҳоли хизматида. Яна бир гап: тўлиқ кўп тармоқли хўжалик бўлишимиз учун муҳозна ва иссиқхона етиштирилади. Бу борада ҳам ишни бошлаганмиз. Иссиқхона битай деб қолди.



улғурибди. Бу ҳақда бошқа сафар тўхталамиз...

**Нозима РАСУЛОВА**  
Тошкент ҳақиқати/  
Аброр ЭСОНОВ  
олган суратлар

Ички туризм

# "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!"

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Нурафшон шаҳар бўлинимаси томонидан тизимда фаолият юритаётган фидойи ходимлар ва кам таъминланган, ижтимоий ҳимояға муҳтож фуқаролар иштирокида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" шиори остида вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат ташкил қилинди. Ички туризмни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган саёҳатда 25 нафар зиёрат-



чилар Паркент туманининг баҳаво манзилларида бўлиб, ҳудуддаги қадимқолар тарихи билан танишдилар. Шунингдек, бўлинима ёрдами билан "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан даволанишға муҳтож фуқароларға дори-дармон учун пул ўтказиб берилди. Жумладан, ижтимоий ҳимояға муҳтож фуқаро Муштарий Розикованинг даволаниши учун 21 млн. 312 минг сўм, Диебра Эргашеваға дори-дармон учун 5 млн. 490 минг 827 сўм ўтказилди.

**"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Нурафшон шаҳар бўлинимаси**



Партиялар ҳаётидан



## ЙИЛЛИК ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг вилоят, туман-шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, Халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари, ёшлар ва аёллар қанотлари фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастури ижроси ҳамда 2022-2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалға оширишда партиянинг фаол иштирокини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Йигилишни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси Акмал Умаралиев олиб борди.

Пленумда сўзға чиққанлар, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалға оширилаётган испохотлар аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳимояға муҳтож қатламларнинг манфаатларини тўла маънода ифодалашни, шунингдек, "Инсон қадрини улғулаш ва фаол маҳалла йили" Давлат дастурида белгиланган мақсадлар Халқ демократик партиясининг сиёсий голяларига уйғун ва ҳамоҳанглиги таъкидланди.

Йигилишда янги иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш, тиббиётнинг қуйи тизимида ўзгаришларни жадаллаштириш, маҳаллалар даражасида камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд қатламнинг иқтисодий фаоллигини ошириш йўналишларида депутатлик назоратини ҳар чоракда ва йил давомида олиб бориш бўйича вазифалар белгиланди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг 2021 йилги бюджет ижроси ва 2022 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари фаолиятиға оид масалалар ҳам кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати**

Хотира

# ЎЧМАС ҲАЁТ ИЗЛАРИ

Шундай инсонлар борки, ўзларидан ўчмас из ва маънавий бойлик қолдирадилар. Ўзбекистон тиббиётининг таниқли даргаларидан бири, Кўчқор Миржалиловни тиббиёт ходимлари, айниқса, кекса ва ўрта авлод вакиллари яхши би-

лишади, унинг номини ҳурмат билан тилға олишади. Сабаби, у ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан халқимиз саломатлиги йўлида беминнат хизмат қилган, тиббиёт ривожига муносиб ҳисса қўшган шифокордир.

Қ. Миржалилов 1931 йилда Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманида туғилган. 1958 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини аъло баҳолар билан тамомлагач, 1958-1959 йилларда Бутуниттифоқ кўчрак жарроҳлиги илмий марказида ординатура фаолиятини бошлаган. 1959 йилда Красногорск кўрғонида жойлашган 22-сонли стационар шифохонасига ишға юборилди.

1961 йили Охангарон тумани марказий шифохонасига жарроҳ шифокор вазифасига ишға қабул қилиниб, шу йилнинг ўзида бўлим мудири, сўнгра бош шифокорликка тайинланди. Ўз фаолияти давомида туман соғлиқни сақлаш тизимида сезиларли натижаларға эришган. У ўзининг куч-қуввати, билими, илмий салоҳияти ва ташкилотчилик қобилияти билан жарроҳлик йўналишида долзарб муаммоларни ўрганди.

1969 йилда Қ. Миржалилов Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасига бош шифокор этиб тайинланиб, у ерда ҳам самарали фаолият юритди. 1971 йилдан эса яна Охангарон тумани марказий шифохонаси бош шифокорлигига қайтди. Бу даврда туманда аҳоли саломатлигини сақлаш, шифохонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар самарали бўлди. Шунингдек, 1973 йилда марказий шифохонанинг 4 қаватли асосий биноси ва ёрдамчи бўлимлари янгидан қурилиб, фойдаланишға топширилди. Қ. Миржалилов 1974 йилда Тошкент шаҳар авиасозлар тиббий санитария қисми жарроҳлик бўлимиға раҳбар этиб тайинланди ва 1997 йилгача шу лавозимда ишлади.

Қ. Миржалилов меҳнат фаолияти давомида кўплаб мураккаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли ўтказиб, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб

қолган. Тошкент вилоятининг Охангарон тумани ва Олмалик шаҳри тиббиётини юқори даражаға кўтаришға салмоқли ҳисса қўшган.

Қ. Миржалилов Охангарон шаҳар Халқ депутатлари Кенгаши депутати сифатида ҳам аҳоли орасида ҳурмат топанга. Кўплаб инсонларнинг муаммоларини ҳал қилишда, ҳудудни ободонлаштириш ишларида бош-қош бўлган.

Шунингдек, устознинг тиббиёт ходимларининг малакасини оширишдаги хизматлари ҳам катта. Қ. Миржалилов жарроҳликнинг энг мураккаб амалиётлари бўйича Москва шаҳрининг тиббиёт илмгоҳларида малака ошириб келиб, ўз тажрибаларини амалиётда қўллаган ва шогирдларига ўргатган. Бир мuddат Тошкент давлат врачлар малака ошириш олийгоҳида дарс берган.

Кўчқор Миржалиловнинг кўп йиллик самарали меҳнати, илмий-амалий хо-



димларни тарбиялашдаги фидокорона хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланиб, унга тиббиёт соҳасида "Халқ маорифи аълочиси" унвони берилган. Шунингдек, бир қатор орден ва медаллар билан мукофотланган.

Забардаст олим, ташкилотчи, моҳир устоз, таниқли жамоат арбоби Кўчқор Миржалилов орамизда бўлмаса-да, босиб ўтган шарафли ҳаёт йўли, ишини давом эттираётган шогирдлари, ҳамкасблари эришаётган ютуқлар доимо уни ёдға солиб туради.

**Муқаддас МИРЖАЛИЛОВА,**  
шифокор

Сўнги кўнғироқ



Сўнги улкан марралар КҮТМОҚДА

25 май куни юртимизда бўлгани каби вилоятимиздаги 900 га яқин умумтаълим мактабларида ҳам 2021/2022 ўқув йили якунланишидан дарак бериб сўнги кўнғироқ чалинди.

Шу муносабат билан мактабларда ташкил этилган маърифий тадбирларда кенг жамоатчилик, хусусан, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, худудий корхона ва ташкилот масъуллари, адабиёт, санъат, спорт, маданият намояндалари, устоз ва мураббийлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Хусусан, Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев Нурафшон шаҳридаги 1-умумтаълим мактабидида "Сўнги кўнғироқ" тадбирида қатнашди ва Президентимизнинг битирувчиларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди ҳамда катта ҳаёт оstonасида турган ёшларга зафарлар тилади.

Давлатимиз раҳбарининг табригидаги: "Умид ва ишонч рамзи бўлган етуқлик шаҳодатномалари барчангизга муборак бўлсин!



Дарвоқе БИЛМАСЛИК АЗОБИ – АБАДИЙ

АҚШдаги дунёга машҳур ва энг кекса университетлардан бири Гарвардда талабаларни руҳлантриш мақсадида қуйидаги гаплар тез-тез такрорланади.

– Ҳозир ухласанг, албатта, орзуларингни тушингда кўрасан. Агар уйқунинг ўрнига ўқиниши танласанг, орзуларингни ҳаётда кўрасан.

– Қачонки сен ҳаммасига жуда кеч бўлди, деб ўйласанг, аслида ҳали эрта бўлади.

– Ўқиш азоби – вақтинчалик. Билмаслик азоби – абадий.

– Ўқиш – бу вақт сарфлаш эмас. Ўқиш – ҳаракат қилиш.

– Ҳаёт фақат ўқишдан иборат эмас. Ҳаётнинг мана шу қисмини ҳам босиб ўта олмасанг, нимага ҳам қодир бўла олардинг?

– Қийинчилик ва тинимсиз ҳаракатдан роҳатлан.

– Кимки ҳаммасини эрта қилса, ўзининг муваффақиятидан ҳаққоний роҳатлана олади.

– Ҳаммасига улгуриш имконияти барчага берилмаган, лекин муваффақият ўз устиди ишловчи ва муаммоларни тезда ҳал қиладиганларга келади.

– Вақт учади. Ҳозирги сўлагинг эртага кўзёши бўлади.

– Агар сен бугун пиёда юришни хоҳламансанг, эртага югуришга мажбур бўласан.

– Келажаги учун нимадир қиладиган одам реалистдир.

– Сенинг топадиган пулинг – олган билиминг даражасига пропорционал.

– Бугун ҳеч қачон қайтиб келмайди.

– Ҳозир хаттоки душманларинг очларча китобларни варақламакда.

– Қийинчиликларсиз мақсадга етиб бўлмайди.

М. АБДУЛЛАЕВ тайёрлади

Мавсум неъматлари

Чинозлик Зухридин Эркинов хонадонда етиштирилган қулупнайдан мўл ҳосил олиб, яхши даромад қилди. Энди навбат 30 сотих ерга экилган помидорга келди.



Бир қатор қилиб қўйилган помидор кўчатлари ҳосили кўплигидан эгилиб қолган. Биринчи терим баракали бўлди. Пишиб

етилган помидорлар пешма-пеш бозор расталарига жўнатишмоқда.

Дехқончиликнинг ҳадисини олган Зухридин акага барча ишда оила аъзолари

кўмакчи. Дастёр қизалоқлар ҳам эгат оралаб, қип-қизил помидорларни узиб саватларга жойлашга шошилишди. Аброр ЭСОНОВ олган сурат

Яна ўша Шомуродов

Футбол бўйича Европа Конференциялар лигаси финалида ҳамюртимиз Элдор Шомуродов тўп таётган Италиянинг "Рома" клуби Нидерландиянинг "Фейеноорд" жамоасига қарши майдонга чиқди.

Албаниянинг Тирана шаҳрида ўтказилган ўйинда римликлар аъзоси Николо Заньоло томонидан урилган гол беллашув тақдирини ҳал қилди.

Ҳамюртимиз учрашувнинг 89-дақиқасида майдонга тушди ва еврокубокларда зафар қучган иккинчи ўзбекистонлик футболчига айланди.

Эслатиб ўтаман, яна бир вакилимиз Виталий Денисов 2004-2005 йилги мавсумда ЦСКА сафида УЕФА кубоги ғолиби бўлган. Бироқ учрашувда майдонга тушмаган эди.



СПОРТ янгиликлари

Навбатдаги ғалаба

Профессионал бокснинг супер энгил вазн тоифасида (63,5 кг.) фаолиятини давом эттираётган ҳамюртимиз Шохжаҳон Эргашев АҚШнинг Мичиган штатида бўлиб ўтган бокс оқшомида рингга кўтарилди.



Аргентиналик Луис Алберто Веронга қарши 8 раундли жанг тўлиқ давом этди. Унда Шохжаҳон рақиби устидан 79-70 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ушбу ғалабадан сўнг, 30 ёшли Шохжаҳоннинг жанглр статистикаси 22-0 (19 КО), 29 ёшли Вероннинг рекорди 19-4-2 (9 КО)га айланди.

Жорий йил 27 сентябрдан 8 октябрга қадар Кувейтда ўтадиган футбол бўйича 17-Осиё Кубоги мусобақасининг финал босқичига қуръа ташлаш маросими бўлди.

Қуръа натижаларига қўра, Ўзбекистон терма жамоаси "Б" гуруҳдан жой олди. Ушбу гуруҳдан, шунингдек, Баҳрайн, Тожикистон ҳамда Туркменистон термалари ҳам ўрин олган.

Маълумот учун, бундан аввали Осиё кубоги мусобақаси 2020 йилда Туркменистонда ўтказилган ва унда футболчиларимиз бронза медалини кўлга киритишган эди.

Суҳробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади

Рақиблар маълум

Table with 4 columns: GROUP A (KUWAIT, IRAQ, THAILAND, OMAN), GROUP B (UZBEKISTAN, BARHAIN, TAJIKISTAN, TURKMENISTAN), GROUP C (IRAN, LEBANON, CHINESE TAIPEI, INDONESIA), GROUP D (JAPAN, VIETNAM, KOREA REPUBLIC, SAUDI ARABIA)

Мана гап

Билимнинг ягона манбаи – тажрибадир.

Альберт ЭЙНШТЕЙН

Сабоқ

– Яна қиз туғдинми? Бу учта қизни бошимга ураманми? Буниси ўғил бўлади, дегандинг-ку...

– Қаҳрамон дарвозадан уқаси етаклаб кирган хотинига жаҳл билан ўшқирди. Бунга хотини: "Секин, болани чўчишиб юборасиз", деганча индамай ичкарига кира бошлади. Онаси келинига кўмаклашаркан, ўғлини уришиб берди:

– Ҳали шу қизларинг шундай фарзанд бўлсинки, ўнта ўғилнинг ўрнини боссин! Шукр қилмайсанми? Тирноққа зор ўтаётганлар қанча...

– Э... сизга фақат келинингизнинг ёнини олиш бўлса...

Суюнчини эшитиб ҳам туғуруқхонага бормаган Қаҳрамон шу онда уйига

сигмай, шарт кўчага чиқиб кетди. Йўлда унга ошнаси Иброҳим дуч келди.

– Дўстим, фарзандли бўлибсан, табриклай-

ман. Аммо бир хабар бор. Мирзо ака ўтиб қолибдилар. Соат иккида чиқаришаркан. Жанозага айтиб юрибман. Эсингдан чиқ-

масин, ўша ерда қўришамиз.

...Жамоат тўпланган. Майитни тобугга солиб, олиб чиқилди. Жаноза

ишнинг бошини тутмаган йигитлар ҳақида одамларнинг "Эсиз, отасига муносиб фарзандлар бўлишмади-да", дегани бир томону, ўзларининг ҳам қарзлари кўплиги иккинчи томон эди. Шу сабабли ота учун энг зарур савол берилганида не-не орзу-умидлар билан катта қилинган ўғиллардан садо чикмади...

Шунда ичкаридан овоз келди: "Мулла бобо, мен бўйнимга оламан, жанозани ўқинг!" Бу Мирзо аканинг яккаю ягона қизи Латофатнинг овози эди. Йигилганлар бир тебранди. Онаизор уввос солди. Боядан бери қарахт бўлиб турган Қаҳрамоннинг эса бўғзига нимадир тикилди...


Маҳмуд ЮСУПОВ

ОТАНИНГ ҚАРЗИ



намозини ўқиш олдидан имом Мирзо аканинг икки ўғлини олдига чақирди ва: "Отангиз ҳаётлик пайтларда ким биландир олди-бердиси якунига етмаган бўлса ёки кимлардандир олган қарзлари бўлса, қиёматгача бўйида қолмаслиги учун тўлаб беришни ўз бўйингизга оласизми?" – деб сўради.

Отаси тириклик чоғи иккиси ҳам тайинли бир



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Salom SAMADOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Ra'no TURDIBOYEVA

Sergey MUTIN

Zarifa ERALIYEVA

Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:

(71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(71) 233-70-10

Mas'ul kotib:

(71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari:

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 22.20

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-535.

4 061 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6